



14  
(1436)-son  
8-may  
2020

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Президент қарори имзоланди. Электрон ҳукумат тизимида қандай ўзгаришлар бўлади? **2-бет**

### САФАРБАРЛИК

Олот ва Қорақўл туманларида телефон алоқаси ва интернет тикланди **3-бет**

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

АКТ вазирлиги бир гуруҳ алоқачиларни мукофотлади **4-бет**

### ПЛОДОТВОРНАЯ РАБОТА — ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ МАСШТАБНЫХ ЗАДАЧ

7 мая свой профессиональный праздник отмечают работники связи **6-бет**

### АҚШдаги ЎЗБЕК ДАСТУРЧИСИ:

Бизнес очиш осон, рақобат муаммо **8-бет**

### ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТНИНГ РУҲДИР

Энди тилимизни тишлаб ўтirmаймиз!.. **10-бет**

### МУТОЛАА

Гулсевар **14-бет**



## АКТ вазирлиги:

**2021 йилда барча ижтимоий соҳа объектлари юқори тезликдаги интернет билан таъминланади**

Республикамиз ҳукумати томонидан рақамли технологияларни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида таъкидлаганидек, ахборот-коммуникация технологиялари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг устувор йўналишлардан биридир.

Шу маънода битта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратсан: республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, аввало, халқ манфаатларига қаратилган. АКТни кенг жорий этилиши фуқароларимиз учун ўз вақт ва маблағларини тежашга имкон яратади. Энг муҳими, ахборот-коммуникация технологиялари аҳолига тўлақонли равишда манба ва имкониятлардан фойдаланиш доирасида долзарб маълумотга эга бўлишга ҳамда билим ва савияларини яхшилашга замин яратади.

Бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Республика бўйича 237та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, телекоммуникация ускуналари модернизация қилинди. Шунингдек, республика бўйича 16 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 36,6 минг километрга етказилди.

## Интернет тезлиги бўйича рейтинг

### Ўзбекистон дунё рейтингиди:

● 95-поғона (176та давлат ичиди)

● Бир ойда 7 поғонага, бир йил ичиди эса 36 поғонага кўтарилиш кузатилди.

Умуман, охириги йил натижаларига кўра Ўзбекистонда симли интернет тезлиги 2,5 баробарга ўсди.



## Биргаликда енгамиз!

# СИНОВЛАРДА СИНМАГАН, БИР-БИРИГА ЕЛКАДОШ ХАЛҚМИЗ

Бувим доим бошидан ўтказган синовли кунлар ҳақида гапирганда, "У пайтларда бир майизни қирқ бўлиб еган одамлар...", дея кўшиб қўярди. Эмин-эркин, тўкин-сочинликда, истаганимиз муҳайё фаровон ҳаётда улгайганимиз учун бу гап негадир бизга жуда галати туюларди. Ушанда бу сўзларнинг такрор-такрор тингласам-да, у қадар моҳиятига етмаган эканман. Бугун дунёда миллат ва мамлакат, ирқ ва дин танламай жамики инсониятни коронавирус аталмиш офат бирдек таҳликага солаётган даврларда бувим айтган сўзларнинг моҳиятида ҳамжиқатлик, меҳр-оқибат билан бир-бирига елкадош бўлишдек пурмаъно берлигини англадим. Ҳозирги тезкор замонда тараққиёти билан дунёни лол қолдирган давлатлар, тамаддунинг қўйи босқичидаги мамлакатларга бирдек ёпирилган бу касалликнинг вазиятга қараб, алалхусус, касалликка қарши юзлаб вакцина устида синов ўтказиш, касаллик тарқалиши сабабларига оид турли тахминлар, пандемияни бартараф этиш чоралари, қурбонлар ва яна турлича тафсилотлар...



**Jumadan  
Jumagacha**



➤ 1 май кuni эрталаб Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиши оқибатида сув оқими аҳоли масканлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев зудлик билан воқеа жойига етиб борди. Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича бarchа чора-тадбирлар кўрилди. Давлатимиз раҳбари сув оқими натижасида зарар кўрган маҳаллаларни кўздан кечирди ва мутасаддиларга ҳар бир хонадон эгалари билан гаплашиб, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май кuni Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса билан боғлиқ жорий вазиятни ҳамда унинг мамлакатларимиз чегараолди ҳудудларидаги оқибатларини бартараф этиш бўйича яқин ҳамкорликни ташкил этиш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар. Президентлар ҳукуматларга ишни мувофиқлаштирган ҳолда таъминлаш ва юзга келаётган бarchа масалаларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқ бердилар.

➤ Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4 май кuni ёқилги-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.


➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май кuni видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилган ишларга ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисаларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди.

➤ 6 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедов ҳамда Эрон Ислам Республикаси Президенти Ҳасан Рўхоний билан телефон орқали мулоқот қилди.

➤ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар ҳамда "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж сановатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ИМЗОЛАНДИ. ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиста Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг бarchа соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланиб, 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган эди.



“  
2020 йил  
давонида бар-  
ча тиббиёт  
муассасалари  
ва мактабгача  
таълим таш-  
килотлари  
ҳамда 70 фоиз  
мактаблар  
кенг полсали  
алоқа тармоқ-  
ларига уланади.”

Босланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларида ягона ваколатли орган этиб белгиланиб, вазирлик қошида "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" ҳамда "Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази" ташкил қилинмоқда.

2020-2022 йилларда электрон ҳукумат, телекоммуникациялар ва дастурий маҳсулотлар, ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича жами 268та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан:

■ иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида жами 87та лойиҳа, шу жумладан, Электр энергияси ва табиий газ ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, Йирик аэропортларда йўловчиларни рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш, Банк тизимида жисмоний шахсларни масофадан туриб идентификация қилиш механизминини жорий қилиш;

■ электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича жами 104та лойиҳа, шу жумладан, "Пенсия тайинлаш жараёнини бошқариш" ахборот тизими, "Ер минераллари ва тоғ жинслари" миллий электрон базаси, "Рақамли қишлоқ хўжалиги" ахборот тизими, "Мажбурий тиббий суғурта" ахборот тизимини жорий қилиш;

■ телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича жами 35та лойиҳа, шу жумладан, 800 минг порт ўрнатиш орқали кенг полсали тармоқни ривожлантириш, мобил алоқа тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш учун 1 468та база станциясини ишга тушириш, узунлиги 12 минг км. бўлган оптик толали алоқа линияларини қуриш;

■ Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича жами 18та чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқда, шу жумладан, технопарк резидентлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турларини кенгайтириш, рақамли таълим марказларини ҳудудларда кенг ташкил этиш, технопарк резидентларини жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини жорий этиш;

■ қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича жами 24та

лойиҳа, шу жумладан, "Рақамли қишлоқ хўжалиги" ахборот тизимини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ҳисобини электрон юриштиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича электрон майдончалар жорий этиш, сув сарфи ҳисобини юриштиш тизимларини жорий этиш.

Маҳаллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни қўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат идораларига қиймати 1 млрд. сўмгача бўлган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш лойиҳалар доирасида шартномаларни IT-Парк резидентлари ўртасида танлов асосида имзолаш ҳуқуқи берилмоқда.

2020 йилнинг 1 августига қадар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари тармоғи орқали йўлланадиган хат-хабарларни, хабарномаларни, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахсларга етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими жорий этилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва аҳолига ўз-ўзини изоляция қилиш даврида қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида 35тадан ортиқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, Электрон соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича 10та, Электрон таълим йўналиши бўйича 6та, Банк хизматлари йўналиши бўйича 12та, Электрон давлат хизматлари йўналиши бўйича 8та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2020 йил давомида бarchа тиббиёт муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 70 фоиз мактаблар кенг полсали алоқа тармоқларига уланади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2022 йилда электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизга етказиш ҳамда бarchа ҳудудларда Рақамли технологиялар ўқув марказларини очиб, 2023 йилда эса рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшулиши икки баробарга кўпайтириш ҳамда "рақамли" тадбиркорлик хизматлар ҳажминини уч баробар ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказишга эришилади.

# АКТ ВАЗИРЛИГИ:

## 2021 ЙИЛДА БАРЧА ИЖТИМОЙ СОҶА ОБЪЕКТЛАРИ ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ИНТЕРНЕТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ



Мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш мақсадида 6 мингдан ортиқ мобил алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 26 мингтадан ортиди ва республика аҳоли масканларини мобил алоқа билан қамрови 97 фоизга ва мобил интернет тармоғига кенг полосули улашиш қамрови даражаси 70 фоизга етказилди.

Шу билан бирга, республикада худудларида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарорда соҳага оид энг долзарб масалалар ўз аксини топган.

2019 йил давомида телекоммуникация тармоқлари қамрови умуман мавжуд бўлмаган аҳоли яшаш масканлари сони деярли икки баробарга камайтирилди.

Республика телекоммуникация инфратузилмасини замон талаблари даражасида кескин ривожлантириш орқали интернет тармоғини кенгайтириш ва бунинг натижасида барча аҳоли масканларини, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, соғлиқни сақлаш, мактабга-ча таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда эса барча ижтимоий соҳа объектлари юқори тезликдаги интернет билан таъминланади ҳамда чекка олис худудлардаги аҳоли масканларида ҳам телекоммуникация

хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш учун олдини олувчи чоралар ҳам кўрилган. Жумладан, мазкур қарорга кўра эндиликда муҳандислик коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан, кабел канализацияси, паст тоқли кабел шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминланмаган тураржойларни қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шуни назарда тутиш керакки, бундан олдинги вақтларда алоқа соҳаси ходимларига кўп қаватли тураржойларга алоқа (телекоммуникация) тармоқларини киритиш ҳамда хонадонларга чакли тармоқни қуриш ва монтаж ишларини олиб боришга қийинчиликлар туғдирарди.

Кўп қаватли тураржойларда алоқа хизматларини кўрсатиш учун алоҳида кириш қурувлари ва кабел шахталари учун майдонлар ва қурилмаларни ўрнатиш учун жойлар ажратилмаганлиги ва қурилиш лойиҳаларда кўзда тутилмаганлиги сабабли,

алоқачилар тармоқни эксплуатация учун ноқулай бўлган жойлардан киритишга мажбур бўлар эдилар. Бу эса алоқа иш сифатига кескин таъсир кўрсатар эди. Мазкур қарор том маънода ушбу камчиликларни бартараф этишга барҳам берди десак муболаға бўлмайди.

Келинг аниқ мисол келтирсак. Масалан, Самарқанд вилоятда кўп қаватли тураржойларнинг ички телекоммуникация тармоқларини қуриш ишлари буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади. Бунинг натижасида, вилоятда янги қурилган 2055та хонадондан иборат 40та кўп қаватли уйларда паст тоқли кабел шахталари ташкил этилди ва ички телекоммуникация инфратузилмаси билан таъминланди. Ушбу амалга оширилган ишлар учун маҳаллий бюджет ва буюртмачи корхоналар томонидан 1,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар сарфланди.

Шубҳасиз, бундай хайрли ишларнинг юқори савияда бажарилиши алоқа хизмати юқори сифат даражада таъминлаб беришга ва халқимиз турмуш тарзини кўтаришга ва, энг асосийси, ёшларимиз учун барча шароит яратишга, истиқомат қилиш жойидан қатъи назар уларнинг салоҳиятини ошириб беришга замин яратди.

**АКТ вазирлиги ахборот хизмати**

### САФАРБАРЛИК

## ОЛОТ ВА ҚОРАКЎЛ ТУМАНЛАРИДА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА ИНТЕРНЕТ ТИКЛАНДИ

**Жорий йилнинг 27 апрел куни республикамизнинг айрим худудларида юз берган шиддатли шамол ва ёмғир барча соҳалар каби телекоммуникация тармоқларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.**

Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг айрим худудларидаги кучли шамол, обҳавони кескин ёмонлашуви натижасида телекоммуникация тармоқларида мобил алоқа база станциялари ва антенна-мачта иншоотларининг шикастланиши каби ҳолатлар қайд этилди.

Жумладан, Бухоро вилоятда содир бўлган табиий офат вилоят телекоммуникация инфратузилмасига катта талафот етказди. Айниқса Олот, Қорақўл ва Жондор туманларидаги симли телефон ва интернет тармоқлари ҳамда мобил алоқа база станциялари жиддий шикастланди.

Олот ва Қорақўл туманларида жами 10та симли телефон станцияси ва мобил алоқа операторларининг 13та база станцияси орқали симли телефон алоқаси,

интернет ва мобил алоқа хизматларини тақдим этишда узилишлар юзага келди.

Табиий офат оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва алоқа хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида тезкор штаб ташкил этилди, долзарб масалаларни ҳал этиш босқичлари ва режалари белгилаб олинди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу худудлардаги телекоммуникация тармоқларида табиий офат оқибатларининг қисқа муддатларда бартараф этилишини ташкил этиш ҳамда барқарор алоқа хизматлари кўрсатилишини қайта тиклаш учун соҳа корхоналари ҳамда мобил алоқа операторларининг заҳира кучларини худудларга сафарбар этди. Мазкур ишларга 300дан ортиқ мала-



кали мутахассислар ва махсус техникалар жалб қилинди.

Олот ва Қорақўл туманларида симли телефон алоқаси ва интернет хизматлари кўрсатилиши тикланди ҳамда мазкур туманлар марказларида мобил алоқа база станциялари ишга туширилди.

Айни вақтда табиий офат оқибатларини бартараф этиш ва телекоммуникация тармоқларини тиклаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида содир бўлган фавқулодда вазият юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида колл-центр фаолияти йўлга қўйилди. Ташкил этилган тезкор рақам кучайтирилган тартибда ишламоқда. Қўнғироқлар 1205 қисқа рақами орқали қабул қилинмоқда.

### КЎМАК

## МОВИUZ СИРДАРЁЛИКЛАРГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗДИ

**Mobiluz мобил оператори Сирдарё вилоятининг бир қатор худудларида алоқани тиклади ҳамда вилоят аҳолиси учун қўнғироқларни bepul қилди.**

Қайд этилишича, Сардоба сув ombори тўғонидан сув тошқини юзага келиши ушбу худудлардаги уяли алоқа билан таъминлаш хизмати ҳам таъсир кўрсатди. Mobiluzнинг 14та база станцияси фаолиятини тиклаш учун компания мутахассислари томонидан тезкор техник ишлар олиб борилган. Электр энергияси узилган худудларда дизел-генератор ускуналари орқали станциялар фаолияти таъминланиб турилмоқда.

Mobiluz мобил оператори сирдарёликларга ёрдам қўлини чўзган ҳолда қўнғироқлар нол қийматидаги нархлашга ўтганлигини маълум қилди. Яъни, компаниянинг ҳар қандай тариф режасидан фойдаланаётган аҳоли дақиқалар тўплами яқунлангандан кейин май охиригача Ўзбекистон бўйича чексиз қўнғироқларни амалга ошириши мумкин.

– Сирдарёликлар учун ўз яқинлари, хайрихоҳлар, давлат органлари билан доимий алоқада бўлиш жуда муҳим. Шунинг учун Mobiluz meхр ва эътибор кўрсатган ҳолда вилоят аҳолиси учун тариф режасидан қатъий назар чексиз қўнғироқларни амалга оширишни йўлга қўйди. Бундан ташқари, компания ва ходимлар талафот қўрбонларига хайрия ёрдамини кўрсатиш мақсадида пул маблағларини йиғмоқда. Бу ҳақида ижтимоий тармоқларимиздаги расмий саҳифаларда батафсил маълумот берамиз, – дея изоҳлади компаниянинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича расмий вакили Сардор Тожиев.






# ЎЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

## Ёхуд учкўприклик қаҳрамон бобо ҳикояси

Мен туғилган қишлоқни ҳозирда Доне, Доно дейишади. Аслида қадимги номи Девона бўлган. Боиси бир замонлар қишлоғимиздаги катта тол тагига вақт-вақти билан девоналар (дарвешлар) йиғилишиб, авом халқ ўртасида бўлаётган адолатсизликлар, ноҳақликлардан баҳс-мунозара юргизиш, ҳулосалар ясаб тарқалишар экан. Айтишларича, девоналар орасида нафақат шоир Машраб мухлислари, балки айғоқчилар ҳам бўлган.



Отам Аҳмаджон Мамаюсуповнинг шеъриятга яқин инсонлигини бола қалбим билан сезганман. Кейинчалик эсласам отам пастгина овозда айтадиган ғазаллар айнан Машрабга тегишли экан. Девоналар, менимча, тамни камбағалпарварлиги, савоатпешалиги учун эъзозлашган. Отамнинг гектар-гектар ерлари, кўш хўкизлари, бири далада, бири ҳовлида иккита тегирмони бўлиб, уларда кўп болали оилалар, қўшнилар ва қариндош-уруғлар ишлашиб, рўзгорларини тебратганлар. Онам Иноятйи ҳам шоиртабиат, диний илми, мулоим, мўъмингина аёл бўлган экан. Онам ҳаётдан эрта кетгач, Иззатой онам бизларни ўз тарбиясига олган экан.

Инсон умри сира бир текис, раво кечмас экан. Доимо нимадир юз беради, қандайдир мусибат бостириб келаркан. 1930 йилдан оиламиз бошига бирин-кетин қайғу-ғамлар ёғилди. Мен беш ёшда эдим “халқ буржуазияси” вакили деб отанин “қулоқ” қилишди ва бизни Украинанинг Николаев вилоятининг Скадовский туманидаги Мелеченка қишлоғига мажбурий кўчириб боришди. Бу ёт ерларда ҳам ҳаётдан бир мазмун топишга ҳаракат қилдик. Кўшни республикалардан келтирилган оилалар билан қадрдонлашиб кетдик. Биз учун ташкил этилган 1-пахтачилик совхозида қулоқ қилинган ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ фарзандлари меҳнат қилардик. Қишлоқдан бир неча чақирим нарида очилган мактаб-интернатга катнаб ўқирдик. Бизни кувонтиргани, Ўзбекистонимиздан келган ўқитувчилар эди. Саидхонов, Тешабоев, Аҳмедов, Зоҳидов ва бошқалар турли фанлардан дарс беришарди. Уларда бизга нисбатан илқ меҳрни дилдан туярдик. Кунлардан бир кун шу ўқитувчиларимиз бизларни Ўзбекистонга олиб кетадилар, деб ўйлардик. Мусофирчиликдаги азобли кунларимизни ана шу устозларимизнинг сабоқлари зийнатлаб, умид бағишлаб турарди.

1941 йилнинг ёзида Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Биз яшаётган қишлоқ қамалда қолди. Душманлар фойдаланмасин деб арпа, бугдой омборларига ўт қўйилган, техникалар олиб кетилган ёки бузиб ташланганди. Мен буларни ўз кўзим билан кўрганман. Қишлоқда майда болалар ва йўлга яроқсиз чолларгина қолганди. Оталарни, жумладан, менинг ота-жонимни ҳам “буржуазия вакили немисларга сотилади”, дея хавфсираб Қозғистонга сургун қилиш-

ди. Бу кун ҳам бола қалбим жароҳатланган кунлардан бири бўлиб хотирамда муҳрланган. Ота дийдорини кўриш бошқа насиб қилмади. Қамалдаги йилларда биргина ёқимли воқеа юз бергани ёдимда. 1943 йилнинг 3 ноябр кунини эди. Разведкачилар келишганини эшитиб кўчага отилиб чикдим. Сал нарида беш-олти нафар отликлар турар, уларнинг бири кўзимга жудда иссиқ кўринди. Танидим. Ўқитувчим Тешабоев! Ассалому алайкум, устоз! деб ўша томонга илдамладим. Овозимни эшитгач, устоз ҳам мени таниб отдан сакраб тушиб ёнимга келиб, “Э, ҳа, Мамаюсупов! Жигарбандим! Қалайсан?” дея кучоқ очиб кўришди. У доим биз, ўзбек болаларига, ҳар биттамызга, жигарбандим, деб мурожаат қиларди. Домла Тешабоев билан анча суҳбатлашдик. Отам Қозғистонга олиб кетилганини эшитиб астойдил ачинди: “Бойу бадавлатлигини айб тақаб, бор мулки тортиб олингани камдек, ватан душманига ҳам чиқариш бориб турган нодонлик бўлибди. Икки томонлама жабр, хатолик бўлибди, – деди-да, – сен кўнгилни чўктирма, яхши кунлар келади ҳали. Мана, мени айтиди, дерсан”, – дея елкамга қоқиб қўйди. “Мени ҳам олиб кетинг, мен ҳам разведкачи бўламан” десам “Сабр қил. Фриц билан жанг қилгани улгурасан”, дея хайр-хўшлашгани, “Насиб қилса, яна учрашиб қолармиз” деганлари ҳамон қўлогимда жаранглаб кетгандай бўлади. Шундан кейин бир-икки кун ўтмай, қишлоққа пийда аскарларимиз кириб келишди. Яъни, нихоят биз қамалдан озод бўлгандик.

Чиндан ҳам, устозим айтгандек, минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг 5 ноябр кунини армия сафига қақирдик. Чолбас шаҳрида йигирма кунлик жанговар тайёргарликни ўтдим ва 1-Украина отлик аскар полкига юборилдим. Бизни дастлаб Қрим ҳимоясига ташлашди. Тайёргарлик қаттиқ бўлгани туфайли жангу жадалларда ўзимни йўқотиб қўймадим. Керч йўналишида Болшая Лопата қишлоғи яқинидаги ҳужумда ўнг елкамдан яраландим. Аслида немис снайпери бошимни мўлжалга олган экан. Бир сонияда андак бурчилганим боис ўқ елкамга текканди. Астрахандаги госпиталда даволангач, Сталинград шахрига юборилдим. У ерда 27 кун жанг қилдик, кейин Ворошиловда бўлдик. Калинин шаҳрида ўн кун отлик армия сафида тайёргарлик кўрдик. Сўнг отлик аскарлар билан пийдалар Полшани озод

қилиш жангларига иштирок этганмиз. Ушанда 49-отлик полкда оддий аскар эдим. Уруш дахшатлари, қуролдошларим ўлими юрагимни тилка-пора қилиб ташлар, душманга нафратим жунбушга келарди. Ватан учун – Ўзбекистоним учун, ота-онам учун, оилам учун, дея ўзимни тақдир измига ташладим, таваккал қилдим, жонимни тикдим. Топшириқларни ёруғ юз билан адо этдим. Юртга муҳаббат, фанимга нафрат бўлса, одам ҳеч нарсадан қўрқмас экан. Фақат кўзингга озодлик аталмиш бахту саодат, Ўзбекистон деган жаннатмакон кўринади...

Полшани озод қилиш жангларида яна ўққа учтидим. Ўнг соним мажакланди. Санитария баталионида аҳволим оғирлашиб қолгач Боку шаҳридаги 3652-эвакуация госпиталига олиб кетишди. У ерда шиофокорлар тақимимдан пастини кесиб ташлаш керак, акс ҳолда... дея кўрқитишди. Жон-пони минг чиқиб кетди. Мен учун бу ўлим билан баравар эди. Оёғимни бегона юртларга ташлаб кетмайман, дедим. Хуллас, айтганларидай хат ёзиб улардан кутулдим.

Мен қайсар ярадорини барибир ташлаб қўйишмади. Уч ой барча давои чораларни кўришди. Қолган-қутган осколаларни териб олишди, суюқларни улашди, ўстиришди. Ва нихоят икки кўлтиққаёқда юрадиган бўлгач, 1944 йилнинг октябр ойларида Иззатой онам ва рафикам Мухаррамойнинг дийдорига – Мелеченка қишлоғига йўл олдим. Ҳўкиз арваларда бир амаллаб ўйимга етказиб қўйишди.

1945 йилнинг январ ойида “Қайдасан, Ўзбекистоним!? Қайдасан, Доно!?” дея йўлга чиқдик. Йўл-йўлак айтажонимнинг “Ҳаммасига чидайман. Бироқ Ватан согин-

Қайтгач, очарчилик, оғирчилик, “қулоқлик” дегандай ёвқарашлар жабри-ни тортдик. Бироқ ёмонлардан яхшилар кўп экан. Уларнинг хайрихоҳликлари, эътиборлари шарофати билан, қолаверса, меҳнатим билан жамиятда ўрин топдим, обрў қозондим.

Учкўприклик 96 ёшли устоз алоқчи Содиқ бобонинг ҳикоясини “Xabar”нинг Фаргона вилоятидаги муҳбири Ҳафиза САЛЯҲОВА ёзиб олди

# ПЛОДОТВОРНАЯ РАБОТА — ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ МАСШТАБНЫХ ЗАДАЧ

**7 мая свой профессиональный праздник отмечают работники связи. И во многом этот праздник сегодня носит символический характер.**

В своём Послании парламенту Президент Шавкат Мирзиёев особо отметил важную роль информационно-коммуникационных технологий в социально-экономическом развитии Узбекистана. И в этой связи Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций за последние два года была проделана масштабная и комплексная работа в самых различных направлениях. Давайте рассмотрим их более подробно.

## Создание современной ИКТ-инфраструктуры

Первое и важнейшее условие последовательного развития цифровой экономики — создание современной ИКТ-инфраструктуры. В этой связи в Узбекистане реализованы масштабные проекты.

Так, за рассматриваемый период было возведено 16 тысяч километров оптоволоконных линий, и тем самым общая протяжённость оптоволоконных линий доведена до 36,6 тысячи километров.

Также за этот период был осуществлён монтаж 1 миллиона портов, а общее количество портов для подключения к широкополосному Интернету превысило 2 миллиона штук.

Это, в свою очередь, позволило значительно повысить скорость Интернета. Так, компания Ookla опубликовала данные сервиса Speedtest.net по ежемесячному рейтингу Speedtest Global Index по скорости мобильного и проводного интернета в мире за март 2020 года. Узбекистан показал уверенный рост по скорости фиксированного Интернета.

Наша страна в общем рейтинге занимает 95-е место из 176 стран мира, таким образом поднявшись сразу на 7 позиций вверх в течение месяца, и на 36 позиций — в течение года.

За последний год скорость фиксированного Интернета в Узбекистане выросла почти в 2,3 раза.

Одновременно с этим последовательно снижаются и тарифы за телекоммуникационные услуги. В течение 2019 года стоимость тарифов для провайдеров и операторов на подключение к внешним каналам снизилась с 85 тысяч сумов до 70 тысяч сумов за 1 Мбит/с. А начиная с 1 января 2020 года тариф на внешний Интернет-канал для операторов и провайдеров по сравнению с 2019 годом подешевел ещё на 20 процентов и сегодня он составляет 56,0 тысяч сумов за 1 Мбит/с.

В марте этого года АК «Узбектелеком» была произведена локализация серверного оборудования и многочисленных сервисов крупных иностранных ИТ-компаний. Это знаменательное событие для всего Узбекистана. Локализация крупных интернет-сервисов на территории республики способствует увеличению скорости загрузки интернет-пользователями аудио- и видеоконтента, программных обеспечений и других видов контента, предоставляемых данными сервисами.

Немаловажно также и то, что значительно разгрузятся международные Интернет-каналы. Это позволит всем операторам и провайдерам Узбекистана предоставлять ещё более доступные и скоростные тарифы для абонентов.

Масштабная работа ведётся и в сфере развития мобильной связи. За рассматриваемый период по республике было установлено 6 тысяч мобильных базовых станций. На сегодняшний день охват населения мобильной связью достиг 96 процентов, а уровень охвата широкополосной связью к мобильной сети Интернет — 70 процентов.

Следует отметить, что до настоящего времени проводились работы по расширению мобильных сетей 2G, то сегодня все проекты предусматривают расширение охвата сетей 3G/4G. В частности, только в этом году намечена установка 2200 базовых станций 3G/4G.

С начала года были завершены плановые работы по модернизации всех действующих базовых станций до технологии LTE (4G) в Бекабадском, Бухарском, Пскентском, Ахангаранском, Уртачирчикском, Куйичирчикском, Аккурганском, Чиназском, Янгиюльском районах. Работы по расширению и модернизации сети запланированы во всех регионах республики.

А в апреле технической службой филиала АК «Узбектелеком» — «UzMobile» были успешно завершены работы по расширению полосы покрытия LTE (4G) по городу Ташкенту. Таким образом, скорость доступа к Интернет-стандарту LTE увеличена в несколько раз.

Сегодня в республике также ведётся работа по внедрению технологии 5G. Так, начиная с сентября 2019 года сразу два мобильных оператора — UZMOBILE и CELL начали тестировать технологию 5G. Внедрение данной технологии позволит повысить как скорость Интернета, так и обслуживать большое количество абонентов.

## Формирование полноценной ИТ-экосистемы

Важным условием последовательного развития информационно-коммуникационных технологий является создание соответствующих условий для участников рынка.

С этой целью был создан Технологический парк программных продуктов и информационных технологий (IT-Park). В настоящее время резидентами IT-Park являются 350 отечественных предприятий, где трудятся четыре тысячи специалистов.

В IT-Park создана вся необходимая инфраструктура, включая современные лаборатории, коворкинг-центры и офисные помещения. Резидентам технопарка оказывается организационная, финансовая, маркетинговая, юридическая помощь. Также им предоставлены существенные финансовые льготы: они освобождаются от всех налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды до 1 января 2028 года, а также от разовых социальных выплат.

Успешный опыт IT-Park подвигнул создать такие технопарки и в других регионах республики. В 2020–2024 годах в 14 регионах республики также будут открыты технопарки, в первую очередь в Нукусе, Бухаре, Намангане, Самарканде, Гулистане и Ургенче, а также при школе имени Мухаммада ал-Хоразми в Ташкенте.

Важную роль в развитии рынка ИКТ, формировании ИТ-экосистемы

играют мероприятия, направленные на широкое взаимодействие профессиональных участников рынка, создание условий для ИТ-стартапов для реализации своего потенциала.

## Предоставление удобных онлайн-услуг для населения

За последние два года осуществлена масштабная работа в плане создания целостной системы по оказанию современных электронных государственных услуг, внедрению новых механизмов сотрудничества между государством, предпринимателями и населением.

С целью развития бесконтактных форм общения между государством и предпринимателями был разработан Единый портал интерактивных государственных услуг (<https://my.gov.uz>). В настоящее время в системе ЕПИГУ населению оказывается 176 видов госуслуг, было обработано 15,1 миллиона заявок.

## Обеспечение качественного и доступного образования

Как известно, для того, чтобы подготовить высококвалифицированные кадры, необходимо начинать их обучение с малых лет, начиная со школьной скамьи. С этой целью постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 сентября 2017 года была создана Специализированная школа по углублённому изучению предметов направления информационно-коммуникационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми.

В декабре 2019 года Специализированная школа имени Мухаммада ал-Хоразми переехала в новое современное здание. В настоящее время в школе в 5–11-х классах обучается 680 детей, успешно прошедших экзамены по математике и иностранным языкам.

Серьёзные новшества произошли и в системе образования Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми: начиная с 2018/2019 учебного года вуз перешёл на кредитную систему образования, по которой в настоящее время обучаются более 9,6 тысячи студентов. Также в структуре университета был создан узбекско-белорусский совместный факультет.

В 2019 году в ТУИТ был чётко технического гранта Японской организации международного сотрудничества (JICA) в размере 1,6 миллиона долларов в октябре прошлого года был введён в строй современный учебный медиацентр, который позволяет проводить полноценную съёмку и производство видеоконтента.

Весьма плодотворную работу за этот период проделал Университет Инха в Ташкенте в плане развития международного сотрудничества. Так в марте 2019 года Университете Инха в Ташкенте состоялся запуск первой в Узбекистане школы бизнес-аналитиков «ASPEX BI SCHOOL» — полноценной 3-х месячной подготовки и обучения бизнес-аналитиков.

В числе важных мероприятий, направленных на широкое вовлечение молодёжи в образовательные процессы в сфере ИКТ, можно отметить реализацию третьего направления Пяти инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан — организации эффективного использования населением и молодёжью компьютерных технологий и интернета.

С этой целью в регионах республики открываются современные учебные центры цифровых технологий. Из них 22 начали деятельность в 2019-м, и ещё 3 в этом году (открылись в Касбинском районе Кашкадарьинской области, Гурланском и Янгибазарском районе Хорезмской области). А к концу 2020-го намечается довести их число до 80.

В дальнейшем специальные курсы по обучению молодёжи цифровым технологиям будут также организованы в моноцентрах «Ишга мархамат» и молодёжных технопарках.

## Задачи на ближайшую перспективу

Как мы видим, за последние два года Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций проделана масштабная и комплексная работа. Но вместе с этим, сегодня перед Министерством стоят важные и серьёзные задачи, озвученные Президентом Шавкатом Мирзиёевым в своём Послании парламенту.

Главная задача — реализация масштабной программы «Цифровой Узбекистан-2030», охватывающей все сферы и отрасли и направленной на полное и комплексное преобразование экономики Узбекистана и его дальнейшее повышение конкурентоспособности на международном арене.

В числе важных задач также реализация постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкенте». Утверждённая постановлением комплексная программа «Цифровой Ташкент» направлена на полное преобразование столицы Узбекистана с внедрением передовых информационно-коммуникационных технологий в сферу образования, здравоохранения, транспорта, ЖКХ, общепита, розничной и оптовой торговли.

Концепция «цифрового Ташкента» неразрывно связана с другим масштабным проектом — проектом «Безопасный город». На первом этапе данного проекта в 2019–2020 годах в городе Ташкенте проводится работа по созданию единой технологической платформы проекта. К 2023 году проект «Безопасный город» будет реализован во всех регионах страны.

28 апреля этого года было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», являющееся логическим продолжением начатых работ в сфере широкого внедрения цифровых технологий во всех сферах экономической и социальной жизни.

Согласно ему намечено увеличить долю цифровой экономики в ВВП страны к 2023 году в 2 раза и увеличить объём услуг в данной сфере в 3 раза с доведением их экспорта до 100 миллионов долларов.

В 2020–2022 годах запланирована реализация в общей сложности 268 проектов по дальнейшему развитию электронного правительства, телекоммуникации, деятельности Технологического парка программных продуктов и информационных технологий, широкому внедрению цифровых технологий в реальном секторе экономики, в сельском и водном хозяйстве.

Все эти масштабные и актуальные задачи, несомненно, имеют важнейшее значение для социально-экономического развития республики на ближайшие годы. Поскольку развитие Узбекистана неразрывно связано с широким внедрением и применением цифровых технологий во всех сферах и отраслях жизнедеятельности нашей страны.

**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА  
КЕНГАШИ**

*Бетакрор Ўзбекистон  
заминида меҳнат қилаётган  
барча алоқачиларни  
КАСБ БАЙРАМИ  
билан табриклайди.*

**Меҳнатларингиз роҳатини  
кўриб юринг, азизлар!**

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ



**“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Гўзал юртимиз алоқачиларини  
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ  
билан қутлайди.**



**Ватанимиз равнаки  
йўлидаги ишларида  
муваффақиятлар тилайди.**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ**

Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
соҳаси ходимларини АЛОҚАЧИЛАР  
КУНИ ҳамда устозларимизни юртга  
беқиёс садоқатларини эътироф этган  
ҳолда ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ  
куни билан табриклайди.



## АҚШдаги ўзбек дастурчиси:

БИЗНЕС ОЧИШ ОСОН,  
РАҚОБАТ МУАММО

Айни дамда АҚШда яшаётган ватандошимиз Жон Тошматов 1976 йили Фаргона вилоятининг Навбахор шаҳарчасида туғилган. Му IT Education компанияси эгасининг IT соҳасидаги муваффақият сирларини билиш учун у билан боғландик.

– Аввало, ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз, IT соҳасини ўрганиш учун қайси даргоҳларда таълим олгансиз?

– Фаргона политехника университетида таълим олганман. Сўнг АҚШнинг ўқиш ва малака ошириш дастури бўйича California Polytechnic State University университети кирдим. Дастурни муваффақиятли якунлаганимдан сўнг Айова штатидаги Кларк университетининг компьютер технологиялари йўналишини тугатдим. Флорида штатининг Saint-Leo университети магистратурасида ҳам ўқидим.

– Болаликда қайси касб эгаси бўлишни орзу қилгансиз? Бу орзунгиз кейинчалик ўзгардимми?

– Бир пайтлар астронавт бўлишни орзу қилганман, кейинчалик футболчи бўламан деганман, бундан ташқари, актёрликка ҳам қизиқиб, ҳатто шу йўналиш бўйича ўқишга кирмоқчи бўлганман. Охириги йилларда дунёнинг иқтисодий ва сиёсий ҳариталари ўзгариши сабаб, кўпроқ халқаро иқтисодий алоқаларга қизиқиб бошладим. Лекин барибир математика ва физикага бўлган меҳрим устунлик қилиб, технология, яъни техника ва компютер йўналишини танлаганман.

– АҚШга нима мақсадда боргансиз? Ҳозирда кўпчилик ҳавас қиладиган натижаларга эришиш, муваффақиятнинг сирини нимада?

– АҚШга ўқиш ва тажриба орттириш ниятида келганман. Билмадим, ҳамма ҳавас қиладиган даражага етдимми ёки йўқ, лекин АҚШда мен нуфузли университет ва ўқув марказларида тахсил олдим. Компанияларда ишлаб, тажриба орттирдим, ҳозирда эса Нью-Йорк шаҳрида ўз ватандошларимга ахборот технологиялари бўйича таълим бериб келяпман. Америка имкониятларига бой давлат бўлиши билан бирга, ўзига хос рақобат кучига ҳам эга.

Феълимда таълим бўлмаслик бор. Ҳар бир қилаётган ишингизда, албатта, тўсиқлар учрайди, бошида ўхшамаслиги мумкин, лекин одам таълим бўлмасдан



– Тавсиям, IT-соҳалари бўйича онлайн тизимда сабоқ олишлари мумкин. Дастурлашни ўрганиб олишса, Ўзбекистондан туриб катта-катта компаниялар билан ишлашлари мумкин.

йўлида давом этса, менимча ҳамма нарсага эриша бўлади. Кейинчалик ўз тажрибангизга эга бўлганингиздан сўнг, оғир меҳнат ақлий меҳнатга ўтади, ушанда сиз ўз ишингиз устасига айланиб бораётганингизни тушунаси.

– Бугунги бизнес фаолиятингиз ҳақида гапласак. У нима-лардан иборат?

– Бугунги кунда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ватандошларимиз сони кўпайиб бормоқда. Барчамизга маълум, АҚШда ватандошларимиз ўзлари танлаган касбларини давом эттиришлари жуда қийин. Бунинг учун тилни мукамал билиш ва 4-5 йиллик бакалавр тизимида ўқиш лозим. Шунинг учун мен қисқа муддатли, яъни 6-9 ой ораллигида ўқиш мумкин бўлган IT-курсларини очганман. Ватандошларимга IT соҳасида керакли бўладиган билимларни ўргатаман. IT соҳаси жуда кенг қамровли, тиббиёт, журналистика, спорт, ҳайдовчилик, бизнес юриши ва яна кўплаб касбларни ўз ичига олади. Кўплаб ватандошларимиз тиббиёт соҳасига қизиққан ҳолда ўзлари танлаган йўналиш бўйича IT-технологияларни ўрганиб, ишлаб келишмоқда.

– АҚШда бизнес очиб анча осон дейишди. Бироқ рақобатнинг кучи натижасида аксарият компаниялар таназзулга юз тутар экан. Айнан рақобат муҳти ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

– АҚШда бизнес очиб баъзи бир мамлакатларга қараганда осону лекин ўзига яраша мураккаб рўйхатдан ўтиш тартиблари бор. АҚШ ҳукумати ҳар бир тад-

биркор-га имконият беради, имкон беришга ҳаракат қилади. Тадбиркор, авваламбор, бизнес очишдан олдин ўз маҳсулоти ёки сервисининг бозорини ва рақиблари фаолиятини ўрганиши зарур. Рақобат борки, тақомиллашиш бор. Бу эркин бозорнинг ривожланишига йўл очади. Муваффақиятга эришиш учун корхона, албатта, қуйидаги асосий тамойилларга эътибор бериши зарур деб ўйлайман: мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш сифатини халқаро стандартлар бўйича олиб бориш, инновация ва келажак технологияларига сармоя қилиш, мижозлар билан алоқа қиладиган воситалар ёки порталларни қуриб бориш, ишга олиш тартибини энг юқори даражасини йўлга қўйиш ва ҳар бир номзодга ишга олиш жараёни ва иш давомида ёрдам бериш. Бундан ташқари, ишчилар йиллик синов ва суҳбатлардан ўтиши лозим. Иш жойларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари ёки кўрсатмалари бўлиши зарур. Ҳар бир дам олиш ёки ошхона ҳамда иш жойида меҳнат ва зирлигининг янгиликлари илинган бўлиши керак. Бошқарув ходимлари ва ишчилари билан тез-тез мулоқотда бўлиб, ойлик ёки ҳафталик мажлисларини ўтказиб туриш ҳам фойдали, деб ўйлайман.

– Ўзбекистонда ҳам бизнес очиб ниятингиз борми ва у

қайси соҳада бўлади?

– Ўзбекистонда бизнес очиб ниятим бор. IT-ўқув марказини очмоқчиман. Унда малакали дастурчиларни тайёрлаб, дунёнинг барча ривожланган мамлакатларидан мижозлар топиб, Ўзбекистон дастурчиларини иш билан таъминлаш ниятидаман.

– Му IT Education компаниясининг келажаги, асосий жиҳатлари ҳақида гапирсангиз. Тўрт йиллик ўқиш давомида олинган билан ва кўникмаларни олти ойда ўрганиш мумкинми? Шу пайтга қадар нечта шогирд чиқардингиз ва улар қаерларда фаолият кўрсатишяпти? Ўзбек-истондан туриб ҳам ўқув марказингизда онлайн таълим олса бўладими?

– Му IT Educationнинг олдида кўйган асосий мақсади, бу АҚШдаги ватандошларга IT соҳасининг фундаментал билимини ўргатиш ва уларга шу соҳа бўйича иш топиш малакасини тушунириш. Ҳозирги марказда таълим олганлардан бештаси Zend Sertifikat муҳандиси уновнига эга бўлди ва бир нечтаси шу соҳада ишлаб келмоқда. Фаолиятимизни яқинда бошлаганимиз сабабли ҳали натижаларимиз у даражада катта эмас. Агар тўрт йиллик бакалавр тизимини ўқиб битириш учун ўртача 120та кредит керак бўлса, ўшанинг ярмидан кўпи таълимнинг умумий

дарслари ҳисобланади, яъни тарих, инглиз тили ва шу каби гуманитар фанлар киритилади. Му IT Educationда биз фақат компютер соҳасига керакли бўлган фанларга эътиборимизни қаратамиз ва кўпроқ ҳақиқий лойиҳалар устида ишлаш бўйича тажриба оширамиз. Ҳозирда биз: HTML, CSS, JavaScript, JQuery, Angular, Bootstrap, PHP, SQL, AWS ва яна кўплаб дастурлаш дарсликлари билан ватандошларимизга таълим бераймиз. Дастур охирида талабаларга резюмелар ёзиш ва иш суҳбатларига тайёрланишда кўмаклашамиз. Ўзбекистондагилар ҳам, албатта, бизнинг курсларда онлайн равишда таълим олиши мумкин, бунга фақат компютер ва интернет бўлса бас.

– Ёшларга карантин пайтида нималарни тавсия қиласиз?

– Тавсиям, IT-соҳалари бўйича онлайн тизимда сабоқ олишлари мумкин. Дастурлашни ўрганиб олишса, Ўзбекистондан туриб катта-катта компаниялар билан ишлашлари мумкин. Агар сиз IT-соҳасида дастур тилини билсангиз, хоҳлаган жойда ишлашингиз мумкин. Қаердан бўлишингиздан қатъи назар. Чунки бу соҳа чегара танламайди. Сиз технология тилларини яхши билсангиз бўлди.

Дилфуза СОБИРОВА  
суҳбатлашди

Ватандошларимга IT соҳасида керакли бўладиган билимларни ўргатаман. IT соҳаси жуда кенг қамровли, тиббиёт, журналистика, спорт, ҳайдовчилик, бизнес юриши ва яна кўплаб касбларни ўз ичига олади. Кўплаб ватандошларимиз тиббиёт соҳасига қизиққан ҳолда ўзлари танлаган йўналиш бўйича IT-технологияларни ўрганиб, ишлаб келишмоқда.



# “ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК жамоаси

Соҳа ходимларига АЛОҚАЧИЛАР КУНИ ҳамда меҳнат фахрийларимизга ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ куни муносабати билан самимий ва гўзал тилаklarини йўллайди.



## “АЛОҚАЛОЙИҲА” МЧЖ жамоаси

Соҳа ходимларини  
**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
билан қизгин қутлайди.

Тинчлик, сиҳат-саломатлик,  
онлавий бахт доимо ҳамроҳингиз  
бўлсин, азиз ҳамкасблар!



## “О'ЗИМРЕКСАЛОҚА” МЧЖ ЖАМОАСИ

Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш  
соҳаси ходимларини  
**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
билан табриклайди!



Ватанимиз тонглари  
ҳамиша мусаффо бўлсин!

## 10 ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТНИНГ РУҲИДИР

ЭНДИ ТИЛИМИЗНИ  
ТИШЛАБ ЎТИРМАЙМИЗ!..

Адлия вазирлиги томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатида мақоми ва нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган яхши қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокаманинг дастлабки дақиқалариданоқ майдонга ватанпарварлар эмас, шовинистлар чиқа бошлади. Нима эмиш “Ўзбекистонда рус тилида гаплашганлар жарима тўлармиш”, “Ўзбекистонда рус тилида сўзлашиш ман этилармиш...” ва ҳоказо, ҳоказо... асоссиз ва ҳақсиз таъналар.



Энг ачинарлиси, Ватанимизда яшаб, Ватанимиз фуқароси бўла туриб, ўзимизнинг ўзбекларимиздан айримларининг томоғига тош тикилиб қолгандек... тахликага тушганига ҳайрон қолдик.

Мустақил Ўзбекистон! Нега ўз тилини ҳимоя қила олмаётми? Нега ҳар гал давлат тили тўғрисида қонун ёки қарор чиққанда, ўртадан қайсидир манфаатдорларнинг ноғораси чалиниб, ўзгаришлар, бошқача имтиёзлар киритишга йўл қўямиз? Биз нима учун ўз тилимизни ардоқлаш, қадрлаш учун бошқалардан изн сўрашимиз керак? Ахир ўтмишимизда давлат тилимиз ҳақидаги жуда кўп аччиқ “эртақлар” озми бизга?

Оддий мисол. Не-не даҳоларни ўқидик, ўргандик, ёд олдик. Минг шукур. Кам бўлмадик. Аммо бир замонлар ўзимизда етишиб чиққан даҳоларни, буюкларни чет элликлар билганчалик билмай юзимиз қизаргани ҳам ёлгон эмас, рост-ку.

Навоий вилояти биринчи марта 1982 йил 20 апрелда ташкил этилганлигини яхши биласиз. Бундан қўзланган асосий мақсад Қизилқум чўлининг бебаҳо ерости бойликларини ўзлаштириш эди. Бойликлар ўзлаштирилди-ю лекин орадан кўп вақт ўтмай вилоят тугатилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач Ўзбекистон харитасида 1992 йил 27 январ куни яна Навоий вилояти пайдо бўлди. Унгача қанча дарёларнинг суви лойқаланди, қанча яхши инсонларнинг бошига “сув қуйдик”...

Кўпинча Навоий байналми-

лал (интернационал) ҳудуд сифатида тилга олинади. Унда 130га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Биз уларнинг ҳурматини доимо жойига қўйдик. Улар биздан ўн чандон, юз чандон яхши яшади. Уларга ҳамма нарсани навбатсиз қилиб қўйдик. Уларни бошимизга кўтардик. Бизни ҳақорат қилса ҳам тилимизни тийдик, индамадик. Улар пар ёстиқларда шохона яшади. Оғаларимизнинг кўпчилиги ҳатто севимли кучуги билан самолётларда дунёнинг хоҳлаган пучмоғига давлатимиз ҳисобидан учиб бориб келишига ҳақли эди. Бизникилар эса бепоян далаларда жазирам саратонда, совуқ изғиринларда оёғида йиртиқ этик, эгнида ямоқ чопон билан офтоб тегмаган елкасида кетмонини кўтариб тонглари далада ортирди. Ивановога пахта етиштириб бергани учун қўлларига кишан солинган қариндошларимизнинг изтиробларини ҳали унутганимиз йўқ. Оқ олтинни яратган олтин қўлларга кишан солган Гдлян ва Ивановларга нега қарши чиқа олмадик, бас келолмадик?

ЧУНКИ ТИЛИМИЗ  
ОЖИЗ ЭДИ...

Саксонинчи йилларнинг оғрикли лавҳаларини хотирлаш бугун жуда оғир бўлса ҳам эслашга тўғри келади. Катта-катта залларда рус тилини умуман тушунмайдиган қора кўзлар учун обком партиянинг олифта ўзбеклари рус тилида маъруза қилиб, рус тилида савол-жавоблар қилиши модага айланганлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ўзимизнинг ўзбеклар ўзимизга бегона эди.

Чунки тилимиз ожиз эди...

Шаҳарлар эмас, ҳатто олис қишлоқ туманларида ҳам партия кўмиталарига фақат рус тилини биладиганлар ишга олинган. Ишга қабул қилинганлар партиянинг катта устави-ни ёдлашга мажбур эди. Уларнинг тилини билмайдиган асл мутахассислар, билимдон зиёлилар мансаб эмас, ҳатто ишсиз қолиб кетди.

ҚЎЛИ КЎКСИДАЛИГИ  
УЧУН ТАЁҚ ЕГАНЛАР  
БИЗДА ЭДИ...

Энг ачинарли томони шундаки, нафақат тилимиз, ҳатто ўзбекона кадриятларимиз оёқости қилинди, топталди. Навоий вилоят партия кўмитасининг Ленинграддан юборилган биринчи секретари Анатолий Фимов қўлини кўксига қўйиб салом берган ходимлардан бирининг қўлидан урганлари ёлгон эмас, аччиқ ҳақиқат. Унга ҳеч ким нега бундай қилдинг, деган саволни бера олмадик. Чунки тилимиз ожиз эди.

Ўша йилларда юртимиздаги энг маърифатли, билимли илм эгалари, зиёлилар, фан докторлари, академикларни юзи қорага чиқариб ёзилган мақолалар сони кўпайганди. Шулардан Навоий вилояти партия кўмитасининг наشري “Знамя дружбы” газетаси муҳбири Россиядан келиб ишлаган А.Пазовскийнинг рус тилида ёзган тухмат ва бўхтонларга қўмилган ана шундай туркум буюртма мақолаларини “Дўстлик байроғи” вилоят газетасига кўз ёшимизни ичимизга ютиб ўзбек тилига таржима қилганимиз алами ҳамон азоб беради. Биз бу маъри-

фатли инсонларнинг яхшилигини, ҳалқимиз, миллатимиз фахри эканлигини билардик, тан олардик, аммо айтолмасдик. Айтганимиз билан ҳеч ким бизни эшитмасди. Чунки тилимиз ожиз эди...

Вилоят тугатилиб, гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро вилоятларига қўшилгач, навоийликларнинг кўпчилиги ишсиз қолди. Айнан газета мисолида оладиган бўлсак, ўзбек тилида нашр этиладиган “Дўстлик байроғи” газетаси биринчи бўлиб эшикларини ёпиб, журналистларни ишсиз қолдирди. Рус тилидаги “Знамя дружбы” газетаси эса Навоий шаҳар газетаси бўлиб, ўз фаолиятини давом эттирди. Биз Ўзбекистонлик ўзбек журналистлари ўз юртимизда ишсиз қолдик, олисдаги ўзга юртдан келганлар эса бизнинг юртимизда ўз иш жойини сақлаб қолди...

Чунки бизнинг тилимиз йўқ эди...

ДАВЛАТИМИЗ ТИЛИ –  
ВИЖДОНИМИЗ ТИЛИ  
БЎЛСИН!

Ёки ўз тугилган она юртимизда “Ассалому алайкум” деган такаллуфимизга “Что хотите?” деган совуқ саволлар билан қанча эшиклар юзимизга қарсиллаб ёпилгани ёлғонми?

Саксонинчи йилларда бир катта йиғилишда чорвадор ўрнига рус тили ўқитувчиси чиқиб, ҳар куни шунчадан сут соялғимиз, деганини ҳам кўпчилик ҳозиргача яхши эслади. Рус ёзувчисининг асарини билмаган, ўқимаганларни ишга қабул қилмаслик ҳоллари ҳам бизнинг Навоий таърибасида бўлган.

Хитой давлатига қилган ижодий сафаримиз чоғида чин мамлакатига ўз давлат тилига ҳурмат ва эътиборга тан бердик. Аксарияти Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа ривожланган давлатлардаги энг нуфузли олий даргоҳларида ўқиган, бошқа ўнлаб тилларни мукаммал билишига қарамастан, бирортаси агар зарурат бўлмаса ўз тилидан бошқа тилда гаплашмайди.

Хуллас, тилимизни узоқ йиллар топташларига, оёқ ости қилишларига йўл қўйганмиз. Тилимиз танобини доимо бировларга бериб қўйганмиз. Энди ундай бўлмайди. Қабул қилинадиган янги қонун тилимизни топташларига асло йўл қўймайди. Энди тилимизни тишлаб ўтирмаймиз! Энди миллий гуруримиз, ифтихоримиз, қадрлигимизнинг энг қадрлиги – ўз тилимиз виждонимиз рамзи бўлиб қолади. Давлат тилимиз виждонимиз тили бўлсагина уни ҳимоя қила оламиз ва эъозлаймиз. Миллий гурури бор замондошларимиз Сиз нима дейсиз?

Маруса ҲОСИЛОВА,  
журналист

Бизни ҳақорат қилса ҳам тилимизни тийдик, индамадик. Улар пар ёстиқларда шохона яшади. Оғаларимизнинг кўпчилиги ҳатто севимли кучуги билан самолётларда дунёнинг хоҳлаган пучмоғига давлатимиз ҳисобидан учиб бориб келишига ҳақли эди.

# “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ жамоаси



Барча соҳа ходимларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ ҳамда меҳнатда ва  
фронгда беқиёс жасорат кўрсатган азиз  
фахрийларимизни ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ  
куни билан табриклайди.



## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АЖ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқачиларини  
КАСБ БАЙРАМИ  
билан қутлайди.



Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган  
барча ҳамкасбларини

## АЛОҚАЧИЛАР КУНИ


билан муборакбод этади.



Эзгу мақсадларингизни  
амалга оширишда Сизларга  
куч-қувват ва омад ёр бўлсин!



# СИНОВЛАРДА СИНМАГАН, БИР-БИРИГА ЕЛКАДОШ ХАЛҚМИЗ



ларни беминнат тарқатаётган саховатпеша юрдошларимизнинг эзгу ишлари кўзимизга ҳам кўнглимизга ҳам қувонч улашадигани рост.

Синовли кунларда Президентимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини тузиш таклифининг илгари сурилиши, Ўзбекистон ҳукуматида COVID-19га қарши курашда ёрдам тариқасида "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоатчилиги фонднинг ташкил этилиши кенг жамоатчиликнинг бирлашиб, коронавирус пандемиясига қарши ишларга ёрдам беришида кўприк бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Маълумотларга кўра, "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоатчилиги фондига 71 млрд. сўмдан ортиқ пул йиғилган. Зироат Мирзиеёва раислигидаги Замин халқаро фонди коронавирус пандемияси ҳукм сураётган вазиятда муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 5 млрд. сўм йўналтирди. Алишер Усмонов 25 млн. доллар ажратди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ҳомийлик хайриялари туфайли қанча-қанча ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мушуқли осон бўлди.

Бу санокни шу Она тупроққа дахлдорлик, бир элдошининг дардида дармон бўлишни инсоний бурчи деб билган юрдошларимиз, тadbиркорлардан тортиб оддий одамларгача баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзаётгани мисолида узоқ давом эттириш мумкин.

Айни дамларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан очикланган маълумотларга таяниб, юртимизда коронавирус аниқланган бир нафар ўрта аҳволдаги беморни даволашга 32 млн. сўмдан, жонлантириш бўлимидаги беморлар учун 64 млн. сўмдан сарфланаётганини

билганимиз кўйи бутун юкни давлат ва ҳукуматнинг гарданига қўйиш эмас, балки яхши ният, саховат билан дори-дармон, шахсий ҳимоя воситалари, тиббий анжомлар, дезинфекция воситалари ва захира яратилишига кўмак бериш учун беминнат ёрдамга чоғланган кўли ҳам, қалби ҳам очик, тан-ти халқимиз борлигининг фахр тўямиз. Халқимизда "Тома-тома кўл бўлур" деган нақл бор. Гап бугун коронавирус пандемиясига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётган бир пайтда юрдошларимизнинг ёрдам учун бетаъна чўзилган қўллардаги маблағнинг қийматида эмас, балки жонқуяр, фидойи, бағрикенг халқимизнинг бу офатни даф этишга бош қўйиши-да эканлигини ҳис этганимиз сайин кўнглимизга бир ёруғлик инанди.

Сўнги кунларда ҳукумати-мизнинг коронавирус пандемиясининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган халқимизнинг бирдамлиги самараси таҳлиллар, кузатувларда буй кўрсатиб, юзага қалққан хуш-хабарлардан қувонганимиз сайин қувонгимиз келади. Ўзбекистон ахли МДХ давлатлари орасида "Ўзини яқкалаш" рейтингидега етакчи эканлиги, касалликдан фориғ бўлиб, соғлом ҳаётга қайтаётганларнинг кўрсаткичи дунё ҳамжамиятида 27 фоиз бўлиб турганда, Ўзбекистонда сўнги кунларда беморларнинг 62 фоиздан ортиги соғайгани шулар жумласидандир.

Бугун бир қанча юрдошларимиз даволаш ва диагностика муолажаларини олаётган экан, карантин қоидаларига амал қилишимиз шарт. Бефарволик ва эътиборсизлик катта душманамиз бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз, хотиржамликка берилмаслигимиз, кўп давлатларда жиддийлашиб кетган вазият ҳар биримизга сабоқ бўлмоғи керак.


Биз синовни кўл қовуштириб эмас, кўнглимизга ҳам, кўзимизга ҳам қувонч улашган эзгу ишлар, хайрли амалларимиз қўшқанот бўлиб енгамиз.

Гулноза ТУРҒУНБОВА,  
"Xabar" мухбири



содиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган инкирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 трлн. сўм маблағ шакллантирилиши бугунги синов даврида кўрилатган чора-тадбирлар инсон манфаати ҳамма нарсадан устун деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодаси эканлигини ҳам таъкидлашимиз жоиз.

Бугунги синовли кунларда коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш, инсон манфаатлари, эл саломатлиги учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Биз бу хатарга қарши курашда мамлакат ичидега бўладими, юртимиздан ташқарида бўладими, бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Ватанимизда яшаётган ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслиги керак" деган инсонпарварлик ғояси устувор эканлигини юрдошларимиз қалбдан ҳис этаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Қолаверса, синов келганда кўл қовуштириб эмас, балки Президентимизнинг саъй-ҳаракатларига лаббай дея, қўшқанот бўлишга, офатга қарши курашда виждон амри билан фидойилик кўрсатаётган юрдошларимиз кўп ораимизда. Бугун эҳти-ёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, ниқоб ва бошқа зарур восита-



**М**инг афсуски, коронавирус пандемияси бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шукрки, биз синовли кунларда синмадик, миллий қадриятларимиз қатларига сингиб кетган меҳр-оқибат бизни қалбдан яқинлаштирди. Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий-тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юртимизда бу касалликни енгишда тарихий ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан молия вазирлиги ҳузурида фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иқти-

## Танлов

### Китобхон талаба ғолиб бўлди



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида "Маърифатли ёшлар - юрт кўзгуси" шиори остида "Китобхон талаба" танлови онлайн тарзда ўтказилди.

Талаба ёшлар ўртасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини кенг тарғиб этиш, уларнинг китобга бўлган

қизиқишини янада ошириш ва рағбатлантиришни кўзлаган ушбу танлов икки босқичда бўлиб ўтди. Дастлабки босқичда иштирокчилар "Энг билимдон китобхон" шартда 50та саволга жавоб бериш бўйича беллашди. Кейинги "Аннотация маҳорати" шarti бўлиб, унда "Мен ёқтирган китоб" номи остида иштирокчилар ўзлари

севиб ўқиган асарлар бўйича қисқача маълумот бердилар.

Қизгин ўтган танловда ўзининг китобхонлик салоҳиятини кўрсата билган олий даргоҳнинг 3-босқич талабаси Жавоҳир Бердиев ва 4-босқич талабаси Юлдуз Усмоновага ғолиблик nasib қилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ



# Елизавета ШИЛЛЕР: СЕНИ ИЗЛАШГАНИ ВА ЭСЛАШГАНИ МУҲИМ

Май ойида Олмалиқ туманлараро почта алоқаси тармоғининг 5-алоқа бўлимида 30 йилдан ошиқ почтачилик қилган уруш факрийси Елизавета Шиллер учун иккита муҳим сана бор. Бири май ойининг бошида нишонланадиган алоқачилар куни бўлса, иккинчиси 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. Мана шундай қутлуг кунларда онахоннинг уйида шогирдларию маҳалла фаолларини, касбдошларини учратишингиз мумкин.

Елизавета Михайловна учун Иккинчи жаҳон уруши йиллари жуда қийин кечди. Болалигининг бахтли кунларини асирликда, фашистларнинг концлагеридида ўтказди. У кунларнинг қийинчиликлари ҳақида онахон бир лаҳза бўлса-да унутолмайди. Шу боис у учун бугунги осойишта кунларнинг қадри беқиёс. Барча яхши кунларига гувоҳ бўлган Ўзбекистон онахоннинг иккинчи ватанига айланган.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали директори А.Зокиров, филиалнинг бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси Р.Норалиев, Оҳангарон туманлараро почта алоқаси боғламаси бошлиғи А.Алимов ва цех касаба уюшмаси кўмитаси раиси Н.Баратовларнинг бир кучоқ гул билан кириб борганида меҳнат факрийси яйраб кетди.

— Албатта мени йўқлаб келганларнинг совға-саломлари ёки моддий томондан рағбати одамни руҳлантиради, лекин асосийси бу эмас, муҳими, сени эслашгани, излашгани шу ватанда қадр топганингни англатади. Бу эса ҳар қандай совға-саломдан азизроқ мен учун, — дейди Елизавета Михайловна уларга ўз миннатдорчилигини билдираркан.

Биз ҳам табарруқ онахоннинг яна бир бор умрига умр қўшилишини, саодатли кунлари бундан ҳам кўп бўлишини тилаб қоламиз.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда тизимда ишлаб нафақага чиққан уруш қатнашчилари саккиз нафарни ташкил этади. Улар байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбе-



кистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда соҳа корхона, ташкилотлари томонидан эҳтиром кўрсатилиб, моддий-маънавий рағбатлантирилмоқда.

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, УСТОЗ!

Ҳарчи алоқа тарихи ҳақида кўп эшитган бўлсак-да, ҳали тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Чунки ушбу мавзуда сўз борганда ҳар сафар янги маълумотларга дуч келаварамиз. Бир пайтлар ҳар 30та оиладан бирининг хонадонидида хизмат кўрсатган симли телефон алоқа воситаларидан бугунга келиб бутун дунё ақли фойдаланмоқда. Улар сафига қўшилган мобил алоқалар ҳам узоғимизни яқин, ёғиримизни енгиллаштираётди.

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани аҳолиси самимийлиги, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Ҳар сафар туманга борганингизда кичик бўлса-да ўзгаришни сезасиз. Бу гал қаҳрамонимиз — "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалининг Қўшқўпир туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Шоназар Кўрєзов билан телефон орқали боғландик.



— Алло... Ассалому алайкум Шоназар ака! Ҳорманг, аҳолининг яхшими, касб байрамингиз билан...

— Эй, қадрдонлар, омонмисизлар, раҳмат, сизларга ҳам байрам муборак бўлсин!

— Карантин тўғрисида сиз билан телефон орқали боғланяпмиз. Албатта, бу синовли кунлар ўтиб кетади, лекин қилган эзгу ишларимиз тарихга муҳрланиши аниқ. Келинг, бизни туманда алоқа соҳасида қилинган ишлар ва режалар билан таништирсангиз!

— Бажонидил синглим. Туманимизнинг барча маҳалласига оптик толали алоқа кабеллари ётқизганмиз. Айни дамда мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар онлайн тарзда дарс машғулотларини бажаришяпти. Бу жараёнда муаммолар юзага келмаслиги учун ҳудуд юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган. Галдаги режаларимиздан бири "Полвон" маҳалласига япон технологияси асосидаги станция ўрнатиш. Маҳалла туман марказидан анча олисда. Ҳозирда ушбу маҳалланинг қирқ ярим километрга оптик толали кабел ётқизирилиб, ўрнатиладиган станция учун шай ҳолатга келтирилган. Шунингдек, филиалимизда 11 нафар ёш ходим иш билан таъминланган. Улар ичида олти нафари ТАТУ Урганч филиалини тугатган. Албатта, галдаги режаларимизни амалга оширишимиз анча вақтни талаб этади. Аммо, ирода ва шижоат билан ишласак барчасини ижобий ҳал этамиз. Уйлайманки, бу ёғига ҳам халқимизнинг ишончини оқлаймиз.

Соҳада 1985 йилдан бери фаолият юритаётган Шоназар ака табиатан оғир-босиқ инсон, ўз соҳасининг тажрибали мутахассиси. Бу йиллар давомида қанча сувлар оқиб ўтди. Қаҳрамонимиз сабр-матонати, меҳнат-севарлиги билан ҳаётда ҳам, жамоада ҳам ўз ўрнига, хурмат-эътиборга эришди. 2009 йили меҳнатлари муносиб баҳоляниб, "Шўҳрат" медали билан тақдирланган. Ҳозирда эришган барча муваффақиятлари сирини шогирдларига ўргатиб келмоқда.

Биз Шоназар устоз ва у киши орқали барча хоразмлик алоқачиларни касб байрамлари билан табриклаб, ишларида бундан-да катта ютуқлар тилаб қоламиз.

**Нилуфар ЖАББОРОВА,**  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Реклама ва эълонлар

### ҚУТЛОВ!

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси ходимларини

## АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билан самимий қутлайди.



**Хонадонингиздан ҳеч қачон  
фанзу барака аримасин!**

### Онлайн олимпиада

#### ТАТУ талабаси 1-ўринни эгаллади

Шу йилнинг 28 апрел куни олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Масофавий математика-2020" республика онлайн олимпиадаси эълон қилинган эди. Яқинда шу танловнинг натижалари эълон қилинди.

Унга кўра, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нукус филиалининг Дастурий инжиниринг йўналиши 3-боқич талабаси Арман Нурниязов 1-ўринни эгаллади.

Маълумот учун, "Масофавий математика-2020" онлайн олимпиадасида республика олий таълим муассасаларидан жами 1005 нафар талаба иштирок этган.


### Табриклаймиз!

Самарқанд вилоят алоқа корхоналари меҳнат жамоалари республика алоқа соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган тажрибали раҳбар ва мутахассис — **Uzbektelecom International** корхонаси Бош директори **Ли Гера Фёдоровични** муборак 60 ёши билан қизгин қутлайди. Унга соғ-омонлик, узоқ умр тилайди.



# UZTELECOM

Бетакрор Ўзбекистон  
заминида меҳнат қилаётган  
барча алоқачиларни  
**КАСБ БАЙРАМИ**  
билан табриклайди.



## Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлем ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқданиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мўлжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-557 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,  
Адади: 4313 нусха.

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганчада (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99